БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 44 (17.037). ● 22 февраль 1978 йил, чоршанба ● Баҳоси 2 тийин.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН, 1977 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1977 йил халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари ҳамда ташкилотлари коллективларининг республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Қуйидаги областлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари билан мукофотланди: Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё областлари.

Қуйидаги шаҳарлар ва шаҳарлардаги районлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлари ҳамда пул мукофотларига сазовор бўлдилар:

Қорақалпоғистон АССРдан — Нукус шаҳри.

Андижон областидан — Андижон шаҳри.

Жиззах областидан — Жиззах шаҳри.

Наманган областидан — Наманган шаҳри.

Сурхондарё областидан — Термиз шаҳри.

Сирдарё областидан — Гулистон шаҳри.

Фарғона областидан — Марғилон шаҳри.

Хоразм областидан — Урганч шаҳри.

Тошкент областидан — Янгийўл, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари.

Тошкент шаҳридаги — Ҳамза райони.

Қуйидаги коллективлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлар ва пул мукофотларига сазовор бўлдилар:

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ўзбекгидрогеология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ташкентгеология» бирлашмаси комплекс геология-геофизика қидирув экспедицияси.

Ўзбекистон Геология министрлиги дала ва кон геофизикаси конторасы.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги нефть ва газ конлари геологияси ҳамда разведкаси институти.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Наманган электр тармоқлари корхонаси.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги 2-«Ўзсельэлектрострой» трести.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги «Ўзэнергосбит» ишлаб чиқариш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Урта Чирчиқ ГЭСлари тизмаси.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекгидроэнергострой» трести.

Қашқадарё область матлубот союзининг Китоб райони матлубот союзи.

СССР Химия саноати министрлигига қарашли Олмалиқ химия заводи.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ипакчилик саноати бош бошқармасига қарашли Р. Люксембург номидаги Фарғона пиллакашлик фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги «Ўзкожобувпром» республика саноат бирлашмасига қарашли Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги «Ўзкожобувпром» республика саноат бирлашмасига қарашли Андижон пойафзал фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги «Ўзтекстильпром» республика саноат бирлашмасига қарашли Тельман номидаги Бухоро трикотаж фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги «Ўзшвейпром» республика саноат бирлашмасига қарашли Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Заготхлопкопром» Бухоро саноат бирлашмасига қарашли Меҳнат Қизил Байрок орденли Бухоро пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Заготхлопкопром» Самарқанд саноат бирлашмасига қарашли Жума пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Заготхлопкопром» Тошкент саноат бирлашмасига қарашли Пискент пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Заготхлопкопром» Фарғона саноат бирлашмасига қарашли 1-Қўқон пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Заготхлопкопром» Қорақалпоғистон саноат бирлашмасига қарашли Халқобод пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Ташзаготлубпром» саноат бирлашмасига қарашли «Новая жизнь» луб заводи.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги «Ўзхлебпром» Ўзбекистон саноат бирлашмасига қарашли «Ҳурмат Белгиси» орденли Қўқон нон комбинати.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Янгийўл кондитер-хамиртуруш комбинати.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги «Ўзрасжирмаслопром» Ўзбекистон саноат бирлашмасига қарашли Учқўрғон ёғ-экстракция заводи.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги «Ўзрасжирмаслопром» Ўзбекистон саноат бирлашмасига қарашли В. В. Куйбишев номидаги Каттақўрғон ёғ-мой комбинати.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Олмалиқ пиво заводи.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги гўшт саноати Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигига қарашли Ҳужайли гўшт комбинати.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигига қарашли Қўқон сут заводи.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигига қарашли Урганч сут заводи.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хўжалик ҳисобидаги «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасига қарашли «Ташкентвино» комбинати.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хўжалик ҳисобидаги «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасига қарашли Қўқон вино заводи.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хўжалик ҳисобидаги «Узплодоовощвикпром» аграр-саноат бирлашмасига қарашли Тўрақўрғон ихтисослаштирилган қуруқ мева заводи.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигига қарашли Олмалик мебель фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигига қарашли Бухоро мебель фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Балиқ хўжалиги давлат комитети балиқ саноати Мўйнок ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Балиқ хўжалиги давлат комитети Қорақалпоғистон «Рыбакколхозсоюз»га қарашли «Память Ленина» балиқ овлаш колхози.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли «Каракалпакстройматериалы» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Ангрен бинокорлик материаллари комбинати.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли «Водспецремонт» республика трести.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинати.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Кувасой 14-гишт заводи бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 162-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Узтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия» бош бошқармасига қарашли Оҳангарон 8-темир-бетон заводи.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Спецэлеваторстрой» трестига қарашли 3-қурилиш поезди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Узградстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Фарғона уйсозлик комбинати.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Узстройэкскаватор» трести.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Узэлектромонтаж» трестига қарашли Тошкент 1-монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги 93-ихтисослаштирилган трестига қарашли Чирчиқ «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Ферганнефтехимонтаж» трестига қарашли Фарғона «Сантехгазмонтаж» монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли Тошкент енгил металл конструкциялари эксперименталь заводи.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 4-«Ўзсельспецстрой» трести.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 2-«Ўзсельспецстрой» трести.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 11-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги 9-қурилиш трестига қарашли 4-қўчма механизациялашган колоннаси.

«Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трестига қарашли 12-қурилиш бошқармаси.

«Главташкентстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести.

«Главташкент с т р о й»н и н г «Жилстрой»ига қарашли 10-қурилиш трести.

«Главташкентстрой»нинг ихтисослаштирилган «Ташинжстрой» трести.

«Ўзколхозстрой» бирлашмасининг Наманган колхозлар бинокорлик трести.

«Ўзколхозстрой» бирлашмасининг Жиззах колхозлар бинокорлик трести.

«Ўзколхозстрой» бирлашмасига қарашли 2-«Ўзколхозспецстрой» трести.

«Ўзколхозстрой» бирлашмасига қарашли Файзиобод 1-кишлоқ қурилиши комбинати.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Андижанирстрой» трести.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Водспецремонт» республика трести.

«Узглавводстрой»га қарашли «Спецмонтажводстрой» трести.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигига қарашли «Ферганакоммунтеплоэнерго» корхонаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасига қарашли шаҳарни ёритиш конторасы.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасига қарашли «Гордорстройремонт» трести.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасининг ирригация, гидротехника иншоотлари ва қўналамзорлаштириш ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлиги «Узводоканал» трестига қарашли Бухоро область «Водоканал» бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлиги «Узремстройтрест» бош бошқармасига қарашли Наманган область ремонт-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги марказлаштирилган юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги пассажир ташиш Тошкент область ишлаб чиқариш автомобиль трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги марказлаштирилган юк ташиш Қорақалпоғистон автомобиль трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги Андижон область ишлаб чиқариш автомобиль трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги «Узавторемонт» саноат бирлашмасига қарашли 4-Олмалиқ авторемонт заводи.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Наманган область бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Сурхондарё область бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Хоразм область бошқармаси.

Қорақалпоғистон АССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигига қарашли Қорақалпоғистон йўл қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Тошкент марказий телеграфи.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Фарғона область ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

Қашқадарё область ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли Китоб район маиший хизмат комбинати.

Ўзбекистон ССР Маиший хизмат министрлиги «Ўзавтотехобслуживание» республика саноат бирлашмасига қарашли Тошкент «Автотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Маиший хизмат министрлиги «Ўзстройрембит» республика трестига қарашли Наманган область «Стройрембит» ремонт-қурилиш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Маиший хизмат министрлиги «Ўзсложбиттехника» республика саноат бирлашмасига қарашли «Техсложбитприбор» Фарғона область бирлашмаси.

Фарғона область ижроия комитети савдо бошқармасининг Қўқон шаҳар саноат моллари савдоси бўлими.

(Давоми иккинчи бетда).

22 АПРЕЛЬ — БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Москванинг илғор корхоналари 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар. КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги мактубидан руҳланган шу корхоналарнинг коллективлари пойтахт меҳнаткашларини шанбалик куни рекорд миқдорда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, тежалган энергия ресурслари, хом ашё ва материаллар ҳисобидан ишлашга даъват этдилар.

Буюк почин бошланган жой — Москва—Сортировочная локомотив депосида 20 февраль куни темирйўлчилар митинги бўлиб ўтди. Улар йиғилган цех «Коммунистик шанбаликда энг юксак унумдорликка эришамиз!», «Беш йилликнинг учинчи йили — зарбдор меҳнат йили», «КПСС XXV съезди қарорларини бажарамиз!» деган сўзлар ёзилган қизил алвонлар ва транспарантлар билан безатилган эди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машинист В. Ф. Соколов митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб, шанбаликни актив суратда ўтказишга даъват этди.

Шанбалик куни темирйўлчилар ўтган йилги зарбдор меҳнат кунидагига қараганда иккита кўп, яъни етти локомотивни, шунингдек бир кранни ремонтдан чиқариш мажбуриятини олдилар. Локомотив бригадалари 22 апрелга қадар тежаб қолинган электроэнергия ҳисобидан қарийб 150 минг тонна юк ташиб, 65 пассажир поездини манзилга етказадилар.

Владимир Ильич номли Москва электромеханика заводининг меҳнатчилари В. И. Ленин бир неча марта нутқ сўзлаган цех ўрнида қад кўтарган ишлаб чиқариш корпусида митингга йиғилдилар. Йиғувчи-слесарь М. М. Комаров, обмоткачи В. И. Ишченко, созловчи, ВЛКСМ комитетининг секретари Г. П. Шатров ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар корхона ходимлари нақадар зўр меҳнат завқ-шавқи билан коммунистик шанбаликка ҳозирлик кўраётганликлари ҳақида гапирдилар. Шу куни машинасозлар 250 минг сўмлик, одатдаги иш кунидагига қараганда анча кўп кер хил маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

«Трехгорная мануфактура» ип газлама комбинатининг, «АвтоЗИЛ», МЭЛЗ бирлашмаларининг ва «Динамо» электр машинасозлик заводининг меҳнатчилари 20 февраль куни бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда коммунистик шанбаликда қатнашишга якдиллик билан қарор қилдилар. Шу корхоналарнинг коллективлари 22 апрель куни меҳнат унумдорлиги жиҳатидан рекорд даражага эришишга, тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобидан ишлашга қарор қилдилар. Митингларнинг қатнашчилари зиммага олинган мажбуриятларни бажариш — Москва ишчиларининг шон-шараф иши эканлигини таъкидладилар.

Митингларда сўзга чиққан барча нотиқлар шанбалик куни совет кишилари беш йиллик вазифаларини адо этиш учун курашга яна муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда бердилар. (ТАСС).

ДАЪВАТГА ЖАВОБАН

Москвадаги илғор коллективларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишлаб 22 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги чақириғига Ўзбекистон пойтахтидаги Октябрь Революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг ишчилари, инженерлари, хизматчилари яхши анъанага кўра биринчи бўлиб лаббай деб жавоб қайтардилар.

Октябрь Революцияси байроғи ўлкада биринчи марта бундан 60 йил муқаддам кўтарилган шонли «Ишчилар қалъаси»да 21 февраль куни митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари «Қизил шанбалик»ни энг юқори меҳнат унумдорлиги, нуқул аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлаймиз, деб даъват қилдилар.

— 22 апрель куни цехимиз коллективи рекорд кўрсаткичга эришади, дейди йилдирак цехининг слесари коммунист О. Хусанбоев. — Биз шу куни тепловозлар учун 12 жуфт йилдирак тайёрлаш мажбуриятини оламиз, бу — кунлик пландан қарийб икки баравар ортиқдир Кўпгина ишчиларимиз шанбаликда тежаб колинган хом ашё ва электр энергияси ҳисобига меҳнат қиладилар.

Слесарь, электрик Т. Ф. Чередникова, комсомол комитетининг секретари Б. Е. Фоломушкин ва бошқалар шанбаликдаги бўлғуси рекордларга ҳозирданоқ замин яратилади, деб таъкидладилар. Коллективда йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун, хом ашё, материалларни, электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлаш учун социалистик мусобака кенг авж олдириб юборилди. Ҳар бир иш жойида резервлар кидирилмоқда.

Митингда қабул қилинган резолюцияда бундай деб ёзиб қўйилди: Коммунистик шанбалик куни — 22 апрелда битта тепловоз секциясини ремонт қилиб берамиз, 20 тонна қўйилма тайёрлаймиз, Ўша куни ҳаммаси бўлиб 65 минг сўмлик маҳсулот чиқаришга қарор қилинди, Бу — одатдаги иш кунидагидан анча ортиқ. Иш ҳақининг ҳаммаси беш йиллик фондига ўтказилади.

* * *

«Таштекстильмаш» заводининг учинчи механика цехи 21 февраль куни одатдагидан гавжумроқ бўлди. Корхонанинг юзлаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари москваликларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги кунида коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этиш учун бу ерда бўладиган митингга келдилар.

— Ҳамиша бўлганидек корхона ходимлари жўр меҳнат завқ-шавқи билан коммунистик шанбаликка ҳозирлик кўраётганликлари ҳақида гапирдилар. Шу куни машинасозлар 250 минг сўмлик, одатдаги иш кунидагига қараганда анча кўп кер хил маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

«Трехгорная мануфактура» ип газлама комбинатининг, «АвтоЗИЛ», МЭЛЗ бирлашмаларининг ва «Динамо» электр машинасозлик заводининг меҳнатчилари 20 февраль куни бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда коммунистик шанбаликда қатнашишга якдиллик билан қарор қилдилар. Шу корхоналарнинг коллективлари 22 апрель куни меҳнат унумдорлиги жиҳатидан рекорд даражага эришишга, тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобидан ишлашга қарор қилдилар. Митингларнинг қатнашчилари зиммага олинган мажбуриятларни бажариш — Москва ишчиларининг шон-шараф иши эканлигини таъкидладилар.

Завод коллективи шанбалик куни 80 минг сўмлик маҳсулот чиқаришга ваъда қилди. Қуювчилар юксак мажбуриятлар олишди. Улар 22 апрель куни камида 50 тонна чўян заготовка топширамиз, деб сўз бердилар. (ЎзТАГ).

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

21 февраль куни Фарғонада область партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби талаблари асосида капитал қурилиш самарадорлигини янада ошириш ва сифатини яхшилаш вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов нутқ сўзлади.

1978 йилги социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

БУХОРО. Райондаги «Галаосиё» совхози бўрдоқибоқарлари 200 центнер ўрнига 350 центнер гўшт топширди, биринчи квартал планини ошириб адо этдилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача вазни 420 килограммга етказилди.

ВАТАН МУКОФОТИДАН РУҲЛАНИБ

Республика бўйлаб хушхабар таркалди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган жуда катта муваффақиятлари, 1977 йилда пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларни етиштириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавкатли меҳнатлари учун барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР илғор бригада бошлиқлари ва хўжаликларнинг раҳбарларидан йиғилма киши Ватаннинг юксак мукофотига — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва Жиззах районидаги Москва колхозининг раиси Ҳамрокул Носиров ғоят катта муваффақиятларга эришганликлари учун Ленин ордени ҳамда иккинчи «Урок ва Болга» Олтин медали билан мукофотландилар.

Бу унутилмас воқеага бағишланиб кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди.

Тошкент областидаги кўпгина хўжаликларнинг намояндалари икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, мамлакатнинг донгдор механизатори Турсуной Охуновани Чиноз районининг марказида қизғин ва самимий табрикладилар. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов, Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозининг бригада бошлиғи Х. Қўлдошева ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар Турсунойнинг жуда катта хизматлари тўғрисида гапирдилар.

Минбарга Т. Охунова чиқади. У ўз меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун партияга, совет ҳукуматига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга миннатдорчилик ва ташаккур сўзларини изҳор этди. Мамлакатнинг донгдор механизатори ўз нутқида Леонид Ильичнинг ўзига йўллаган мактубидаги эзгу-истаклар ва маслаҳатларини алоҳида таъкидлаб, бу мактуб ўзининг бригадаси учун, шу билан бирга республиканинг барча пахтакорлари — механизаторлари учун ҳам ҳаракат программаси бўлганлигини айтди. Т. Охунова мукофотга жавобан беш йиллигининг учинчи йилини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан нишонлашга ваъда қилди: 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга ва шахсан ўзи пахта терадиган агрегатда 450 тонна пахта териб беришга бел боғлади.

Жиззах районидаги Ленин орденли Москва колхози байрам либосида. Бу ерда хўжалик раиси Ҳамрокул Носировнинг иккинчи «Урок ва Болга» Олтин медали билан тақдирланишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Район хўжаликларининг пахтакорлари, Жиззах корхоналари ва ташкилотларининг намояндалари уни муборакбод этгани келишди. Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров, Жиззах районидаги Навоий номли колхоз раиси К. Азимов ва митингнинг бошқа иштирокчилари Ўзбекистонда колхоз қурилишини ривожлантиришга, совет пахтачилигини қарор топтириш ва юксалтиришга Х. Носиров жуда катта хисса қўшганлиги тўғрисида гапирдилар.

Х. Носиров ўзининг меҳнат фаолиятига берилган юксак баҳо учун Ватанга, КПСС ленинчи Марказий Комитетига ва шахсан ўрток Леонид Ильич Брежневга миннатдорлик ва ташаккур сўзларини изҳор этди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Қарши шаҳридаги 130-механизациялаштирилган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи Аликул Давронов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1978 йил 20 февралда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

21 февраль куни Кремлда Совет — Сурия музокаралари бошланди. Совет томонидан музокараларни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков; Сурия томонидан — Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад, Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлик органининг аъзоси, Сурия Араб Республикаси Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри А. Ҳ. Ҳаддам, Араб Социалистик Уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлик органининг аъзоси Ю. Асаад, Араб Социалистик Уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлик органининг аъзоси Н. Хассун олиб бормоқдалар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган музокаралар чоғида Совет—Сурия муносабатларининг аҳволи ва шу муносабатларни янада ривожлантириш хусусида батафсил ҳамда аниқ равишда фикрлашиб олинди.

СССР билан САР ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари 1974 йил 13 апрель куни олий даражадаги учрашув натижасида Москвада қабул қилинган Совет—Сурия қўшма баёнотида мустаҳкамлаб берилган принциплар асосида муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд этилди. Томонлар ана шу баёнотнинг иккала мамлакат халқлари туб манфаатларига, араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлидаги одилона кураш ишига мос бўлиб тушадиган Совет—Сурия дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун бўлган аҳамиятини таъкидладилар.

Энг муҳим халқаро проблемалар хусусидаги фикрлашувлар чоғида Яқин Шарқ районидаги вазиятнинг ривожига, бу ерда империалистик кучлар ва маҳаллий реакциянинг хатти-ҳаракатлари натижасида вазият жиддий равишда чигаллашганлигига алоҳида эътибор берилди. Мисрнинг Исроил билан сепарат тил бириктириш сиёсати ўзининг мутлақо самарасизлигини ва тутуруқсизлигини кўрсатганлиги ҳамда араб халқларининг манфаатларига жиддий зарар етказганлиги Яқин Шарқдаги тангликни одилона асосда ҳар томонлама бартараф этиш йўлларини кидириш зарурлигини жуда яққол тасдиқлаб турибди. (ТАСС).

Музокаралар пайти. В. Мусаэльян телефотоси. ТАСС — ЎзТАГ.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

[Бошы биринчи бетда].

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси Ленин район ошхоналар трести.

Қашқадарё область ижроия комитети савдо бошқармасининг Қарши шаҳар озиқ-овқат моллари савдоси бўлими.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасига қарашли Тошкент хўжалик-маданий моллар савдоси бўлими.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли «Узоптгалантерея» республика базаси.

Тошкент область матлубот союзининг Оржоникидзе район матлубот союзи.

Андижон область матлубот союзининг Андижон район матлубот жамияти.

Фарғона область матлубот союзининг Риштон район матлубот союзи.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қарашли Тошкент автомобиль-йўл институти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетига қарашли 3-Тошкент босмахонаси.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Ўзбекистон республика телевидениеси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасига қарашли Фарғона область китоб савдоси Қўқон бўлими.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетига қарашли Ҳалқлар дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти.

Ҳалқ депутатлари Андижон область Советининг кинолаштириш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитетига қарашли Абдулла Набиев номидаги 1-Фарғона техника билим юрти.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитети Сурхондарё область, Шеробод районидаги 2-кишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юрти.

Ўзбекистон карлар жамияти марказий бошқармасига қарашли Тошкент таълим-ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон кўрлар жамияти марказий правлениесининг Қўқон ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли «Чевар» тикув-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тошкент область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Оққўрғон тўқимачилик галантерея фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги халқ бадиий ҳунармандчилиги республика саноат бирлашмасига қарашли Бухородаги «Октябрь 40 йиллиги» зардўзлик фабрикаси.

Андижон область маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Ильич тўқимачилик-галантерея фабрикаси.

Самарқанд область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Ургут тўқув фабрикаси.

Сурхондарё область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикаси.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан областлар, шаҳарлар, районлар меҳнаткашларини, саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари коллективларини табриклайдилар ҳамда республика ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, барча меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар, ўнинчи беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш учун ўзларининг бутун кучларини, билимлари ва тажрибаларини ишга соладилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИҚ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КУПАЙТИРИШ УЧУН УТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАРИ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1977 йилда халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топдилар ва уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирладилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Элликқалъа райони.
Қораўзак райони.
Беруний районидаги А. Навоий номли колхоз.
Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхози.
Амударё районидаги Ленин орденли М. Горький номли совхоз.
Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» совхози.
«Главсредазирсовхозстр о й»нинг «Каракалпакирсовхозстрой» бошқармасига қарашли Чапаев номли совхоз.
Ўзбекистон ССР Урмон хўжалиги министрлигининг Тахтакўпир ўрмон хўжалиги.
«Узсельхозтехника» Чимбой район бирлашмаси.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Москва райони.
Марҳамат райони.
Андижон районидаги «Ленинград» колхози.
Ленин районидаги «Коммунизм» колхози.
Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз.
Хўжаобод районидаги «Россия» колхози.
Жалолқудуқ районидаги А. А. Жданов номли колхоз.
Қўрғонтепа районидаги А. Навоий номли колхоз.
Москва районидаги «Правда» колхози.
Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози.

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Навоий райони.
Олот районидаги «Шарқ юлдузи» колхози.
Бухоро районидаги «Маданият» колхози.
Ғиждувон районидаги С. Айний номли колхоз.
Ромитан районидаги Фрунзе номли колхоз.
Шофиркон районидаги К. Маркс номли колхоз.
Қоракўл районидаги «Правда» колхози.
Навоий районидаги «Нарпай» совхози.
Свердлов районидаги Я. Свердлов номли давлат наслчилик заводи.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДАН

Пахтакор райони.
Жиззах районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз.
Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз.
Фориш районидаги Ильич номли совхоз.
«Главсредазирсовхозстр о й»нинг «Джизакстепстрой» бошқармаси.
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Жиззах область суғориш системалари бошқармаси.
Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг 8-Жиззах нон маҳсулотлари комбинати.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Усмон Юсупов райони.
Қарши районидаги Ф. Энгельс номли колхоз.
Китоб районидаги Улуғбек номли колхоз.
Шаҳрисабз районидаги «Коммунизм» колхози.
Ғузор районидаги К. Маркс номли колхоз.
Косон районидаги В. И. Ленин номли совхоз.
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Қашқадарё область суғориш системалари бошқармаси.
Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг 10-Қарши нон маҳсулотлари комбинати.
«Главсредазирсовхозстр о й» «Каршистрой» бошқармасининг «Каршицелинхлопок» трести.

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН

Поп райони.
Задарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант» колхози.
Тўрақўрғон районидаги С. М. Киров номли колхоз.
Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли колхоз.
Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхози.
Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхози.
«Узглавводстрой»нинг «Наманганводстрой» трести.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Нарпай райони.
Пахтачи райони.
Оқдарё районидаги Ф. Энгельс номли колхоз.
Иштихон районидаги «8 Март» колхози.
Пайариқ районидаги К. Маркс номли колхоз.
Пастдарғом районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Маркс номли колхоз.
Пахтачи районидаги «Самарқанд» колхози.
Ургут районидаги М. И. Калинин номли колхоз.
Жомбой районидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» совхози.
Самарқанд районидаги «Ленинизм» совхози.
Нурота районидаги «Қизилча» давлат наслчилик заводи.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Ғагарин райони.
Жарқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз.
Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози.
Термиз районидаги В. В. Куйбишев номли колхоз.
Шўрчи районидаги «Партия XXIII съезди» колхози.
Бойсун районидаги «Сайроб» совхози.
Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМнинг 30 йиллиги» совхози.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Ворошилов райони.
Гулистон районидаги Н. К. Крупская номли колхоз.
Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ленинград» колхози.
Боёвут районидаги А. С. Пушкин номли совхоз.
Ворошилов районидаги «Социализм» совхози.
«Узсельхозтехника» Сирдарё районлараро бирлашмаси.
«Главсредазирсовхозстрой»нинг «Обручевосовхозстрой» трести.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Чиноз райони.
Бўстонлиқ районидаги А. А. Жданов номли колхоз.
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз.
Коммунистик районидаги «Правда» колхози.
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози.
Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози.
Оржоникидзе районидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси.
Тошкент районидаги Ленин орденли академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.
Калинин районидаги 1-теплица комбинати.
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Фарғона райони.
Бувайда районидаги «Октябрь» колхози.
Ленинград районидаги «Социализм» колхози.
Тошлоқ районидаги Ленин номли колхоз.
Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхоз.
Киров районидаги Октябрь Революцияси орденли «Бешариқ» совхози.
Фарғона районидаги У. Юсупов номли завод-совхоз.
Охунбобоев районидаги Охунбобоев колхозлараро бўрдоқичилик базаси.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Хива райони.
Ғурлан районидаги «Маданият» колхози.
Урганч районидаги В. И. Ленин номли колхоз.
Хазорасп районидаги К. Маркс номли колхоз.
Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхози.
Янгиариқ районидаги С. М. Киров номли колхоз.
Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли совхоз.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислиги, партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва таълим органларининг ходимларини қизғин табриклайдилар ва улар эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, 1978 йилда КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг қулоч ёйдирадилар, СССР янги Конституцияси қабул қилинган кун санасини меҳнатда катта-катта муваффақиятлар билан кутиб оладилар, мамлакатимизда коммунистик жамиятни бунёд этиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирдилар.

ЮБИЛЕЙ АДАБИЙ МУКОФОТЛАРИ

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида бадиий асарлар яратганликлари ва СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллиги нишонланаётганлиги муносабати билан бир гуруҳ таниқли совет ёзувчилари СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг буйруғига биноан СССР Мудофаа министрлигининг юбилей адабий мукофотларини олишди, уларга СССР Мудофаа министрлигининг дипломлари ва кўкракка тақиладиган нишонлар ҳам берилади.

СССР мудофаа министри шунингдек, бир группа ёзувчи ва шоирларни рағбатлантирувчи юбилей дипломлари ҳамда қимматли совғалар билан мукофотлади. Булар орасида серқирра республикамизда кўзга кўринган адиб Иброҳим Раҳим ҳам бор.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ОЛТИАРИҚ, [«Совет Ўзбекистони» мухбиридан]. Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўртоқ М. Султонов район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этилди. Ўртоқ У. Бегматов район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди. Пленум ишида область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. Ш. Шамсиддинов қатнашди.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

КАЛИНИН («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Район чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан қишловни намунали ўтказмоқдалар ва давлатга гўшт топширишни кун сайин қизитмоқдалар.

Илғор хўжаликлар гўшт топшириш ярим йиллик планини бажарганликлари ҳақида бирин-кетин рапорт бермоқдалар. «Назарбек» совхози чорвадорлари 133 центнер, «Хасково» совхози бўрдоқибоқарлари 144 центнер гўшт топириб, ярим йиллик планни бажардилар. «Партия XXI съезди» совхози чорвадорлари 194 центнер гўшт топириб, учинчи квартал планини ҳам адо этдилар. «Қорасув» совхози чорвадорлари қабул пунктларига 351 центнер гўшт етказиб бериб, биринчи квартал планини бажардилар.

Район колхоз ва совхозларида гўшт топшириш қизғин давом этяпти.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРДА

Болгариянинг Хасково шаҳрида болгар—совет дўстлиги уй-музейи очилди. Бу музей XVIII асрда барпо этилган икки қаватли уйга жойлашган. Шу нарса диққатга сазоворки, Россия — Туркия уруши йилларида рус армиясининг штаби вақтинча шу бинода жойлашган эди...

Бу тарихий-маданий марказ ҳали яқиндагина ишлай бошлаганига қарамай у Хасково ва Болгариянинг яқин атрофдаги шаҳарлари аҳолисига ёқиб қолди. Бу ерда томошабинлар яхши ҳордиқ чиқариш билан бирга Болгариянинг тарихини, унинг бугунги кунини. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорликни кўрсатиб берувчи материаллар билан ҳам таниша оладилар.

Округ жамоатчилиги тўплаган кўпдан-кўп экспонатлар рус ва болгар халқларининг асрий алоқаларини яқол кўрсатиб беради.

Озодликка чиққандан кейинги даврга тааллуқли бўлган ва Хасково аҳолисининг ҳаёти тўғрисида, болгар ватанпарвари Тодор Запряновнинг актив фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар ва ҳужжатлар зўр қизиқиш туғдирмоқда. Тодор Запрянов турклар ҳукмронлик қилган давр — 1860—1864 йилларда Хасководаги бошлангич мактабларда биринчи марта рус тилини ўргатишни жорий қилди.

Хасково округи меҳнат коллективларининг Совет Иттифоқидаги қардоши — Тошкент области билан боғланган мустаҳкам алоқаларида самарали ҳамкорликни ифода этувчи экспонатларга ҳам катта ўрин берилган.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МЕРИДИАНЛАРИ

ПХР

ЯНГИ ЭНЕРГИЯ БЛОКИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Силезиядаги «Рибник» иссиқлик электростанциясининг қуввати 200 минг киловаттли янги энергия блоки фойдаланишга топширилганлиги натижасида 1 миллион киловаттга етди. Станция борган сари кенгаймоқда. Шу йилнинг ўзидагина бу ерда худди шундай учта турбоагрегат монтаж қилинади. Бу эса «Рибник» иссиқлик электростанциясига ўз қувватини планда белгиланган 1 миллион 600 минг киловаттга етказиш имкониятини беради.

Варшава.

ЮСФР

СССРНИНГ ТЕХНИКАВИЙ ЁРДАМИ БИЛАН

Югославия иссиқлик электростанцияларида бу йил 6 та йирик энергия блоклари ишга туширилади. Булардан учтаси СССРнинг техникавий ёрдами билан қурилади. Мамлакат жанубидаги Неготино деган жойда Совет Иттифоқидан келтирилган 210 минг киловатт қувватли энергия блокини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу станциянинг фойдаланишга топширилиши электр қуввати камчиллиги сезилаётган Македония учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Белград.

БХР

МАМЛАКАТНИНГ ДАСТЛАБКИ ГАЗЕТАЛАРИДАН БИРИ

«Рудничар» газетасининг биринчи сони чиққан кунга 70 йил тўлди. Бу газета ҳамма вақт капитализм ва фашизмга қарши курашчиларнинг биринчи сафларида борган мамлакатдаги энг кекса газеталардан бири. Мамлакатда социалистик революция ғалаба қозонгандан кейин «Рудничар» газетаси социалистик қайта қуриш ва Болгария Компартиясининг қарорларини амалга ошириш учун курашда шахтёрларнинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолди. Ҳозир газета шахтёрлар, металлургларга ва энергетиклар касаба союзларининг марказий органидир.

София.

ГДР

САВДО ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

Берлинда савдо ходимлари куни нишонланди. Савдо соҳасидаги меҳнаткашлар ўз байрамини катта муваффақиятлар билан кутиб олди. Ҳозир республикада турли кўлам ва профилдаги савдо марказларининг кенг тармоғи ишлаб турибди. 1977 йилда илгариги йилдагига қараганда қарийб 4 миллиард маркали кўп ҳар хил товар реализация қилинди. Байрам мусобақати билан Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда эълон қилинган табрикномасида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш ишида ГДР савдо ходимларининг муваффақиятларга эришганликлари уқтириб ўтилади.

Берлин. (ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

ХОШИМИН, 21 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов бошчилигидаги совет делегацияси бугун бу ердан Ватанига жўнаб кетди. Делегация вьетнамлик дўстларнинг таклифига биноан, визит билан ВСРда меҳмон бўлиб турди.

Таншонят аэропортида делегацияни ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ВКП Хошимин шаҳар комитетининг секретари Во Ван Киет, шаҳар халқ комитетининг раиси Ву Динь Лиеу ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

ДЕҲЛИ

Ҳиндистон маориф, социал-таъминот ва маданият министри П. Ч. Чундер китоб нашр этиш ва китоб савдоси соҳасида Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигини янада ривожлантириш, Ҳиндистон билан СССР ўртасида маданий бойликларни айирбошлаш кераклигини айтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси З. И. Есенбоев бошчилигида учинчи халқаро китоб ярмаркасига келган совет делегацияси билан бу ерда бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ҳиндистон министри совет китобларининг хусусан илмий ва техникавий китобларга Ҳиндистонда машҳур эканлигини таъкидлади. У ярмаркадаги совет павильонида икки марта бўлдим ва ҳиндлар совет китобларини билан ғоятда қизиқиб танишаётганликларини кўрдим, деди.

Ярмарка ишлаб турган вақтда совет делегацияси Ҳиндистон китоб савдоси фирмалари вакиллари билан фойдали учрашув ва суҳбатлар ўтказди, СССРда ҳинд авторларининг ва Ҳиндистонда совет авторларининг китобларини нашр этиш конкрет пландарини муҳокама қилди.

Р. ГЛАДКИХ, ТАСС мухбири.

КИПР АЭРОПОРТИГА ҲУЖУМ

Мисрнинг «Командос» отряди Кипр республикасининг суверенитетини бузиб, Кипрдаги ҳалқаро Ларнака аэропортига қароқчиларча ҳужум қилди.

Миср Араб Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг ҳарбий-транспорт самолётидан туширилган Миср десантчилари Кипр авиакомпаниясининг шу ердаги пас сажир самолётини қурол кучи билан қўлга олишга уриниб кўрдилар. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг бош секретари Юсуф ас-Сибоийга ҳужум қилиш ва уни ўлдиришда қатнашган шахслар бу самолётни ўз қўлларида сақлаб турган эдилар. Тартибни тиклаш учун Кипр миллий гвардияси бу ерга келтирилди. Икки ўртадаги отишма натижасида Миср «Командоси»дан 15 киши ўлдирилди, 19 киши жароҳатланди. Кипр томонидан 7 киши ярадор бўлди.

Кипр президенти С. Киприану бу баёнотда Мисрнинг Ларнака аэродромидаги қуролли хуружини кескин қоралади. Миср маъмурлари билан Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг бош секретари Юсуф ас-Сибоийни ўлдирган жиноятчилар ўртасида террорчиларни Кипр маъмурларига топшириш ва гаровга олинганларни озод қилиш тартиби тўғрисида музокаралар олиб борилган бир пайтда, деди президент С. Киприану, Миср десантчилари Кипр аэродромига ҳужум қилдилар.

С. Киприану яна бундай деди: мамлакатларнинг бир ортаси ҳам гаровга олинган кишилар туширилган Кипр самолётини қабул қилишга рози бўлмаганидан кейин Кипр ҳукумати музокаралар олиб бориш учун самолётни Кипрга қайтариб бериш тўғрисида босқинчилар билан келишиб олди.

Мен, деб сўзини давом эттирди С. Киприану, бир қанча мамлакатларнинг раҳбарлари билан, шу жумладан, Миср президенти Садат билан алоқа боғладим. Самолёт Кипрга қайтариб берилажагини ва бу масала билан шахсан ўзим шуғулланажагимни Садатга маълум қилдим. Садат бунга рози бўлди.

Самолёт Ларнакага келди ва тахминан худди шу пайтда аэропорт маъмурлари Миср самолётининг қўнишига рухсат беришни илтимос қилдилар. Бу самолётда Миср ҳукуматининг аъзоси учиб бораётир, дейилган эди. Самолёт ерга қўнганидан кейин, деди президент С. Киприану, ахборот ва маданият министри эмас, балки Миср «командоси» шу самолётга тушганлиги аниқланди.

С. Киприану Кипр ҳукумати гаровга олинган кишиларни озод қилиш ва террорчиларни қамоққа олишга аралашишни асло истамаётганлигига Миср Араб Республикасининг Никозиядаги элчиси ва элчихона ҳарбий атташесининг эътиборини бир неча бор жалб этганлигини таъкидлади. Мисрликлар Кипр маъмурларининг рухсатисиз ҳеч қандай иш қилмаймиз, деб ваъда бердилар.

Жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги аҳднома амалга оширилиши лозим бўлган бир пайтда, деди С. Киприану, Миср самолётидан жин машинаси чиқиб келди ва тез юриб, гаровга олинган кишилар жойлашган самолётга қараб йўл олди. Миср десантчилари самолётни ўққа тутдилар. Учиш назорат қилиб туриладиган пунктга бир қатор ўқ узилди. Мен шу чоғда ана шу жойда эдим. Шундан кейин, деб таъкидлади президент, Кипр хавфсизлик кучлари тартибни ва Кипр давлатининг суверен ҳуқуқларини тиклаш учун бу можарога аралашишга мажбур бўлдилар. Мисрнинг хуружи БМТ Бош Ассамблеясининг шундай ҳолларда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисидаги қарорига зид эканлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шу муносабат билан биз кескин норозилик билдирмай қололмаймиз, деди С. Киприану.

Мисрдаги расмий шахсларнинг гапларидан мустақил давлат суверенитетини қўпол равишда бузган бундай хуруж Миср маъмурларининг рухсати билан қилинди, деган хулоса келиб чиқади. Жумладан, Миср Араб Республикаси президенти ўринбосари Муборакнинг террорчиларни Миср ихтиёрига топшириш ва «командос»ни Ватанига қайтариш ҳақида Кипрга йўлланган талабномаси ҳам шуни исбот этади.

Кипр президенти содир бўлган воқеани БМТ Бош секретари К. Вальдхаймга маълум қилди.

Кипр ҳукумати жиноятчилар судга берилади, деб эълон қилди.

ТАСС мухбири. Никозия.

МИСРНИНГ ЖИРКАНЧ РОЛИ

Қоҳирани Африка қитъасида ўйнаётган жирканч ролини исбот этувчи янги фактлар жаҳон жамоатчилигига аён бўлиб қолмоқда.

Эфиопиянинг Италиядаги элчихонаси баёнот тарқатди. Баёнотда бундай дейилади: Мисрда денгиз йўли орқали Сомалига юборилган учун Миср қўшинларининг катта бир қисми тайёрлаб қўйилган. Бу солдатларни Эфиопияга қарши уруш қилаётган сомалилик агрессорларга ёрдам бериш учун ҳаво йўлидан Могадишога жўнатмоқчи бўлганлар. Аммо Кения Сомали учун қурол-яроғ ортилган Миср самолётини ўз осмонида қўлга туширганидан кейин Мисрнинг аскарлар туширилган ва Сомалига қараб бораётган бошқа уч транспорт самолёти Қоҳирага қайтишга мажбур бўлган. Эндиликда уларни денгиз йўли орқали Могадишога юбормоқдалар.

Президент Садатнинг ўзи Мисрнинг Могадишони хилмахил қурол-яроғлар билан, шу жумладан танклар, артиллерия тўплари, ўқ дори билан таъминлаб, Сомали агрессорларига ёрдам бераётганлигини илгари ҳам тан олган эди. Бу фактларнинг ҳаммаси, деб таъкидлаб ўтилади Эфиопия элчихонасининг баёнотида, Миср ва бошқа реакцион режимлар Африка Мугузидаги можарода очиқдан-очиқ ва кенг кўламда иштирок қилаётганлигини тасдиқлайди. АҚШ Сомалига юборилаётган қуроллар ўрнига Миср арсенали Ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий қурол-яроғларнинг катта туркуми билан тўлатилади, деб Мисрга ваъда берди. Қурол-яроғларни етказиб бериш харажатларини Саудия Арабистони тўлайди.

Эфиопия элчихонаси таъкидлаб ўтганидек, Сомали Эфиопия территориясининг бир қисмини, Жибути Республикаси территориясини, Кениянинг шимолий районларини даъво қилаётганлигидан Миср яхши хабардордир. Бундай шароитда Сомалига қурол-яроғ етказиб бериш Сомали қўшиклари томонидан Эфиопияга қарши қилинаётган агрессияда бевосита қатнашишдан ва Могадишо режимини Кениядга қарши асоссиз ва қабих агрессия қилишга очиқдан-очиқ гиж-гижлатишдан бошқа бир нарса эмас.

Араб матбуотининг кейинги хабарларига қараганда, Қоҳира Сомали — Эфиопия можаросига тобора кенг жалб этилмоқда. Жумладан, Мисрнинг икки ҳарбий кемаси Африка Мугузи районида пайдо бўлиб қолди. Қоҳирадан олинган маълумотларга кўра, Сомали ташқи ишлар министри бу ерга келган ва Сомали президентининг шошилинч мактубини Миср президентига олиб келган. Бу мактубнинг мазмуни сир сақланмоқда.

Кениянинг ташқи ишлар министри М. Вайяки йўл-йўлакай Римда тўхтаб ўтди, у менинг мамлакатим Сомали учун қурол-яроғ ортилган Миср самолётларининг Кения осмонидан фойделанишига ҳеч қачон йўл қўймайди, деди.

Либиянинг ЖАНА ахборот агентлиги империализм ва реакция кучлари томонидан туриб Африка мамлакатларининг ички ишларига аралашаётганлиги учун Миср раҳбарларини танқид қилди.

Миср, деб уқтириб ўтади агентлик, ўз қўшинларини ва талайгина қурол-яроғларини Сомали билан Чадга юбормоқда ва бу билан ана шу мамлакатларда ички можароларни авж олдиришга кўмаклашмоқда, шунингдек мустақил Эфиопияга қарши агрессияга очиқдан-очиқ ёрдам бермоқда. Қоҳира ҳозирги пайтда АҚШнинг ва араб реакцияси кучларининг тазйиқи остида империализм кучлари манфаатларини кўзлаб Африка қитъасида уларнинг гумаштаси ва жандарми ролини бажармоқда.

ЖАНА агентлиги Миср ҳарбий хизматчилари Чад территориясидаги уруш ҳаракатларида қатнашаётганлигига доир фактларни, шунингдек кўп қурол-яроғлар Сомалига ҳамда Эритрея сепаратчиларига юборилаётганлигини хабар қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди: Миср раҳбарлари Африка ва араб бирлиги принципларига хилоф равишда ҳаракат қилмоқдалар, Африка Мугузи районида ва Чадда ҳунрезлик можароларини авж олдиришга объектив равишда ёрдам бермоқдалар.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БРЮССЕЛЬ. Бельгияда меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи учун кураши кенгайиб бормоқда. «Юнал» электротехника компаниясининг мингга яқин ишчи ва хизматчиси шу фирманинг Граммон шаҳридаги бўлими ёпилишига қарши норозилик намойиши ўтказди. Улар корхона эгаларининг ўзбошимчалигига қарши норозилик билдириш учун атайлаб шу шаҳарга келдилар. «Юнал» компаниясининг эгалари Граммондаги ўз филиалини «ишлаб чиқаришни рационализация қилиш» баҳонаси билан ёпиб қўйдилар. Бунинг натижасида 255 киши ишдан маҳрум бўлди.

● АНТАНАНАРИВУ. Мадагаскар ҳукумати маҳаллий аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулоти — шоли етиштиришни ривожлантиришга бу йил 1 миллиард Малагасия франки ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағлар шу экинни етиштириш билан шуғулланувчи социалистик қишлоқ хўжалиги кооперативларига кредит тариқасида берилади.

(ТАСС).

РОССИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

Россия Федерацияси 1977 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. 20 февраль куни Москвада РСФСР саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг кенгаши бўлди. Бу кенгашда самарадорлик ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини ва 1978 йил планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев очди. У айтдики, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев фахрли мукофот билан кенгаш қатнашчиларини, Россия Федерацияси ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларини самимий табриклади ва кенгаш қатнашчиларининг ҳамда республикадаги барча меҳнаткашларнинг ўнинчи беш йиллик планларини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришувларини, сиҳат-саломат, бахтли ва фаровон яшашларини тилади. М. С. Соломенцевнинг бу гаплари гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Сўнгра М. С. Соломенцев бундай деди: бугун Кремлда Леонид Ильич Брежневга «Ғалаба» орденини топшириш маросими ўтказилди. Сизларнинг номингиздан, Россия Федерациясининг барча меҳнаткашлари номидан азиз Леонид Ильични ажойиб мукофот билан қизғин табриклашга, унга сиҳат-саломатлик, Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида, коммунизм саодати йўлида бажараётган жуда катта ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилашга ижозат бергайсиз.

Залда яна гулдурос, давомли қарсаклар бошланди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиковга сўз берилади. У ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини Россия Федерацияси вакилларига топширади. Республика 1977 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра шу байроқ билан мукофотланган эди.

Кенгашда М. С. Соломенцев доклад қилди.

Ленин партияси теварагига маҳкам жипслашган Россия Федерацияси меҳнаткашлари, деди докладчи, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорларини, беш йиллик учинчи йили плани ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун барча куч-ғайратларини сарф қиладилар, партия XXV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Кенгашда сўзга чиққан ўртоқлар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, республика меҳнаткашлари партиянинг даъватига мувофиқ социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш ва беш йиллиқнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантиришга қатъий қарор берганликлари тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда Россия Федерацияси меҳнаткашларининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари яқдиллик билан маъқулланди.

Кенгаш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

Ишчи коллективларида 1978 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун мусобақа авж олмоқда. «Промвентиляция» трестига қарашли Фарғона монтаж бошқармаси коллективи беш йиллик уч йили топшириқларини СССР Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилиб, мажбуриятга яраша юксак суръат билан ишламоқда. Мусобақада бошқарманинг 1-участнаси ғолиблик қилянти. Юқоридаги суратда: участна прораби Виталий Носов коммунистик меҳнат бригадаларининг раҳбарлари Вячеслав Байко (чапдан), Геннадий Ямшиков ва Владидимир Маухга навбатдаги топшириқларни бераётган пайт. Пастдаги суратда: Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинатининг зарбдор ишчиси, КПСС аъзолигига кандидат Дора Шуригина. Учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденли бу ишчи ёшларнинг меҳрибон мураббийси. смена топшириқларини 120-130 процент бажармоқда.

Г. Байко (ЎзТАГ) ва А. Кудряшов фотолари.

ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА

ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛСА...

ОЧЕРК

Ишга отланиб турган раис ташқаридан машина сигнали эшитилиши билан шошиб ҳовлига чиқди. Шу орада радиодан «Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган алоҳида жуда катта муваффақиятлари, 1977 йилда пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда кўрсатган шавкатли меҳнатлари учун қуйидаги меҳнат қаҳрамонлари Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотлансин...» деган хушхабарни диктор қироат билан ўқий бошлади .

— Дада, дадажон, ойим!.. — отасининг орқасидан югуриб чиққан Муҳаббатнинг бутун ҳис-хаяжони юзига теппб турар ва у ҳовли юзида бир дам тўхтаганча, «қулоқ қоқмай» ахборотни тинглаб турган отасини кўриб, бағрига ўзини отди...

Ота-бола биргалашиб дарвоза томон келишаркан, эшик олдида Турсуной ўнинг расми туширилган ва қаҳрамонлик унвони эълон қилинган газетани почтачи суюнчи ичига сиғмай шоферга кўрсатиб турарди.

— Табриклаймиз, қутлуғ бўлсин, — раис томон хурсанд пешвоз келишди улар.

— Қуллуқ, минг раҳмат сизларга ҳам.

Раис бир дам мамнун жилмайиб, улар билан қол-аҳвол сўрашиб тургач, шоферга юзланди:

— Турсуной эрта билан онасидан хабер олгани кетувди. Ҳозир келиб қолади. Биз бу ерда... Мен... Сен эса парткомнинга ғизилла. Бирон сўз ортиқ ўйлаётган ишчиларнинг бошида бўла турсин. Мен тезда етиб бораман.

Султон ака ёлдай учиб кетаётган машинадан кўз узаркан, қизига қорама-қора ичкари кирди.

— Қизим, энди ишни нималдан бошлаймиз?! Ҳали замон онангни табриклашгани меҳмонлар ҳам келиб қолишади,— деди у кулиб турган қизига қараб. — Мен меҳмононага, сиз эса ошхонага, шундайми... Жаҳонгир бўлса, — гапида давом этди ота, — чопқиллаб бориб гулчи холаникидан гул олиб келади. Фақат тезроқ, ойси келгунча гул мана шу ерда очилиб туриши керак. О, баракалла,— деди у учишга қаноти йўқ палапондай питиллаб турган ўғлининг бошини силаб.

У меҳмонхонага кириб кетаётиб, қўлидаги газетага яна бир бор назар ташлади-да, уни Л. И. Брежневнинг Т. Охуновага йўллаган мактуби эълон қилинган газета ёнига қўшиб қўйди. «Ўшанда ҳам Турсуной уйда эмасди, — кўнглидан ўтди Султон аканинг, — Иваново тўқувчилари ҳузурида, командировкада эди». Ўшанда ҳам болалари билан тиқ этса эшикка қараб, илҳақлик билан Турсунойни кутишган эди. Ўшанда ҳам худди бугунгидек қурилиш ишлари билан чунон банд эдики... Бир томонда пахта, бир томонда эса колхозчилар учун ёзги кинотеатр бинои қурилиши қизитиб юборилганди.

— Терим палласида қурилиш кўнглингизга сиққанига ҳайронман, — деб неча бор ўкинган Турсуной ҳам кейинроқ бориб Султонжоннинг бу ишига тан берди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Т. Охуновага йўллаган мактуби муносабати билан Киров номли колхоз меҳнаткашларининг митинги худди узукка кўз солгандай янги кинотеатр биносида ўтказилди.

Бу кун Султонжоннинг бир умр эсидан чиқмайди. Бу тантанали шодон кунлар Турсунойнинг ҳам, Султонжоннинг ҳам, Султонжон бошлиқ Киров номли колхоз меҳнаткашларининг ҳам, ҳамма-ҳамманинг байрами. Ҳа, ҳа, «Турсунойнинг колхози» деган гап бир бутун катта коллектив, унинг маҳорати, ишлари синови, кўруви деган гап эди. Агар колхозда ўнта бригада бўлса, Турсуной шулардан биринг бошлиғи. Унинг бригадаси машинада пахта териш туфайли пахтачиликда энг кўп даромад олди. Мўлжалдан ортиқ оқ маблағни тежаб қолган ҳам, рентабеллиқни оширган ҳам, маҳсулот таннархини камайтирган бригадалардан бири ҳам Турсуной бригадаси.

Султон аканинг кўз олдига қурғоқчилик, жазирама иссиқ ва қаттиқ сув танқислиги натижасида хавф остида қолган пахта далалари келди-ю, юраги ачишиб кетди .Ҳар бир томчи сувдан аввалдай фойдаланган, ғўзанинг ҳар бир тупи учун, ҳар бир бўлиқ кўсак учун кечаю кундуз курашган деҳконга офарин! У ёқ-бу ёқ бўлиб бир ойда йиғиштириб олинадиган ҳосил учун йилнинг ўн икки ойи тинним билмайдиган пахтакорга офарин! дерди у ичида. Ҳа, у бу кун гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб, Ватанга 2860 тонна пахта армуғон этган колхози билан фахрланади. У бу кун ҳар гектар ердан 61 центнер қоқ олтинга териб олган Турсуной бригадаси, агрегат бункеридан 461 тонна пахта тўккан Турсунойи билан фахрланади. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, биргина Турсуной армуғон этган пахта қўл билан териладиган бўлса, бу 230 теримчининг икки ойлик нормаси, деганг.

Султон ака ўз яқин одами ҳақидаги ифтихор туйғуларидан энтикиб қўйди.

Шу тобда унга далда бўлгим, ҳижолатдан қутқаргим келди. Турсунойнинг ўлкадоши сифатида уни улуғлагим, таъриф-тавсифини ҳикоя қилгим келади. Пахтанинг туғилиши — бу, Турсунойлар, Турсунойлар авлодининг, қолаверса ўзбек қизининг туғилиши. Пахта учун кураш — бу бахт учун, келажак учун кураш. Турсунойга келсак, у меҳнат кишиси нималарга қодир эканини, меҳнат, фақат меҳнатгина инсон учун қанот ва ҳаёт эканини ўз тимсолида исбот этди. Шу тариқа у ёшликка яна бир бор бебаҳо ҳайкал қўйди.

Турсунойнинг замондошлари 1962 йили Кремлнинг Съездлар саройида бўлиб ўтган ВЛКСМ XIV съездини кечагидай эслайдилар. Ана, зал бўйлаб комсомол байроғини кўтариб Юрий Гагарин келяпти. Унинг ёнида донецклик шахтёр Кузьма Северипов ва бизнинг Турсуной. Тўрт мингга яқин делегат оёққа туриб ёш ва навқирон қаҳрамонларни, улар қўлидаги ол байроқни олқишламоқда. Ҳа, Турсуной ўз даврининг қаҳрамони. У хотин-қизларден биринчи бўлиб пахта териш машинасини бошқариш масъулиятини зиммасига олди ва буни амалда исбот этди. Баъзи одамларни оддий комбинезон кийишга кўниктиришдан тортиб, пахта машинасининг тезу соз теришига эришгача ишонтиришгача бўлган поғоналарни босиб ўтиш учун фақат Турсуной бўлиш керак эди. Теримга тушадиган карталарга атайин сув қўйиб юборган ёки Турсуной келгунча картадаги пахтани қўлда тердириб қўйган техника қасдмандлари билан курашиш, улар онгидаги эскилик сарқитларини барбод этишнинг ўзи бир қаҳрамонлик эди. Бунга фақат Турсунойникидек ирода ва сабот дош бера олардик. Турсунойнинг Турсунойлиги ҳам унинг оқ пахтага ойдин йўл очгани, йўлчи юлдузлигида. Агар ундан, механизаторлик касбини танлашга даъват этган нарса нима эди, деб сўрасангиз, у оддийгина жавоб беради:

— Опа-сингилларим, онахонларимнинг машаққатли меҳнатини енгиллатгим келарди ва бунинг бирдан-бир давоси машина эди...

Турсуной бошидан кечирган машаққатли, ўтли кунларни Султонжон биргалашиб бўлишган. Турсунойнинг ҳаёти — бу Султонжоннинг ҳаёти, Султонжоннинг кураш тарихидир. Мана, турмуш қуришганига 20 йилдан ошибди. Хонадонларига тўй-томоша билан эгизак кириб келган чароғон кунлар, бахтли дақиқалар ёлқини уларни бир дам ҳам тарк этмади. Негаки улар ер билан тиллашмаган, ер тафтини, ер дардини илғамай қолган дамлар, ҳайриятки, рўй бермади.

Меҳнат барқ урган оиладан бахт ҳам аримади, чироқ ҳам ўчмади. Ҳа, бахт ва шуҳратнинг ота-онаси — меҳнат. Шу тобда Султон ака ажиб бир ифтихор туйғуси бағрида ўзида йўқ яйраб борарди. Йўқ, йўқ, бу туйғу Турсуной унинг умр йўлдоши бўлгани учунгина эмас, бу ифтихор туйғуси яна шунинг учун ҳамки, оддий бир колхозчи қиздаги жасорат ва журъатнинг оламчалиги, яшаш, яратиш завқининг оламчалиги, поёнсизлиги, булоқдай бетиним, мусаффолиги...

— Бошқаларга мўъжиза, эртак мисол туюлган қаҳрамонлар билан бирга яшаш, ишлаш оқибатида уларнинг жасоратларига худди ўзлари мисол оддий, одатий ишдек ўрганиб кетаркан киши, — дейди Султон ака. — Лекин сир эмаски, баъзида дўппигни бошингдан олиб, ўйлаб қоладиган хонаси ҳам бўлади. Шуҳрат торини бир, икки йил арсиг чертиб туролгаилар йўқ дейсизми?! Улар лов этиб ёниб, пуф этиб ўчган гулханга ўхшайдилар, Турсуной эса...

У бошқа гапирмади. Эҳтимол, у шуҳрат тожига 23 йилдан буён гард юқтирмай келаётган, пахта йиғим-терминнинг 25 мавсумида фақат меҳнат ва зафар, зафар ва меҳнат ёр бўлган Турсунойи ҳақида ўйлаётгандир. Турсуной Окукова биринчи бор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлганида 21 ёшда эди. Шунга ҳам мана 19 йил бўлибди.

Ҳар бир мукофот, ҳар галги тақдирланиш гўё унинг қалбига қуёш ярлиғ мўралаб, янги илҳом куртаклерини уйғотар, янгидан-янги жасоратга чорларди.

Султон аканинг ҳеч эсидан чиқмайди, бир куни Турсуной даладан ички бир тўлқин ва ўй билан қайтди. Бу қолат Турсунойда ҳамиша бирор муҳим ишга қўл уриштан аввал содир бўладиган таниш кайфият. Султонжон индамади. Билади, ҳали замон Турсунойнинг ўзи бу ҳақда оғиз очади.

— Сенинг ошнинг олчи бўлса-ю, девор-дармиён қўшнинг-нинг ҳоли танг бўлса, томоша қилиб туриб бўладими, — деди у дабдурустдан Султонжонга.

—Тўғри,—деди Турсуной бир оз хомушлик билан гапида яна давом этиб. — Узинг ўрганган бригадани ташлаб кетиш осон эмас. Лекин Валентина Гагеновага ҳам осон бўлмагандир, ёки синглим Инобатга осон тутиб бўладими?! Ахир, она уйи, қадрдон колхозини ташлаб чўлга, уни обод этишга жўнаб кетди-ку!

Бу гапга анча бўлган. Турсуной бу орада беш марта қолоқ бригадага ўтиб ишлади ва беш марта ҳам бу бригадаларни илғорлар даражасига олиб чиқди. Турсунойнинг бу хатти-ҳаракатлари, уринишлари ва ниҳоят муваффақиятлари колхоз раиси Султонжон учун жуда катта ёрдам эди. Турсуной колхознинг қайси участкасида ишламасин, Султон аканинг ўша жойдан кўнгли ҳамиша тўқ. Турсуной ҳеч қачон шароит яратиб беришларини кутиб ўтирмайди, шароитни ўзи яратади. Биринчи бўлиб Турсуной бригадасида дала шийпони қурилди. Биринчи бўлиб Турсуной дала шийпонига водопровод ўтказилди...

Яхши умр йўлдоши мисоли сенга бир қанот. Кўнглингга қанот, ишларингга қанот! Турсуной сабаб Султон ака колхозда қанчадан-қанча яхши ишларни рўёбга чиқармади дейсиз? Турсуной билан унинг режалари, бригадаси ташвишлари хусусида баҳслашиб, маслаҳат бериб туриб, ўзи Турсунойдан маслаҳат олганини, ўрганганини сезмай қоларди. Турсунойнинг шийпонида водопровод бор экан, нега энди бошқа шийпонларга ҳам водопровод ўтказмеслик керак?! Бундай кезларда бошқа дала шийпонларига водопровод ўтказмагунича Султонжоннинг кўнгли жойига тушмайди. Бошқа участкалардаги дала шийпонларини чинакам ҳордиқ масканига айлантирмагунича ўзида ҳам, бошқаларда ҳам хотиржамлик йўқ. Ҳаммом қурилиб ишга тушмагунича, колхоздаги бошқа ҳамма қурилишлар тўхатиб қўйилди. Клуб, мактаб, болалар ясли-боғчалари, маданий-маиший хизмат комбинати, асфальт йўллар... Қурилишнинг поёни йўқ...

Турсуной Султон акани ишдан қайтганда: «Ҳорманг, бинокор», — деб қаршилайди. Негаки, Султон ака кейинги йилларда колхоз маданий-маиший қурилишига жуда берилиб кетди. Дастурхон устида ҳам, правлениеда ҳам молхона, парандахона, омборхона, уй-жой бинолари схемалари ҳақида ўй, сўз, режа... Султон ака қурилишдан келса, Турсуной пахтадан тўлиб-тошиб сўзлайди. Улар колхозларини шундай бир диёрга айлантирмоқчилерки, йиллар ўтиб, одамлар буларни Турсуной ва Султонжонлар, уларнинг ҳамкишлоқлари бунёд этишган деб эслаб юришсин...

Дарвозеден қийқириб кулиб кирган кенжа қизлари Ҳилолнинг товуши Султон аканинг ширин хаёлларини бўлиб юборди. Қизчасининг кетидан Турсуной кўринди. Мана, ҳозир у Султонжоннинг ишга кетмаганини кўриб, ташвишга тушади:

— Ҳойнаҳой, чой ҳам ичмагандирсиз-а? — деб ошхонага ғизиллайди-ю, тухум қовурди келади. Шошганидан тухумнинг четлари бироз куйиб кетади. Гап тухумнинг куйганида ҳам эмас. Ҳамма гап Турсунойнинг унга бўлган меҳр-оқибатида, ишлари бошидан ошиб-тошиб ётганида ҳам уни бир дам унутмаслигида... Фақат уними?! Турсунойнинг бағри кенг, унинг меҳри ҳаммага етади. Шириншакар беш фарзанди, болаларидай ардоқли пахтаси, депутатлик фаолияти, жамоат ишлари, қолаверса, уй бекалиги...

Турсунойнинг кетидан кириб келаётган қайнонаси Башорат ҳолани кўриб, Султон ака кўзларига ишонмади.

— Тобингиз йўқ-ку, ойижон. Нега оёқ устида юрибсиз? — деди у шошиб.

Бир оз ўзини олдириб қўйган она ўзини тетик тутишга уриниб:

— Шундоқ кунда ётиб бўладими, болам, — деяркан кўзларидан ажиб бир нур порлаб кетди.

Турсуной эса онасига беқиёс меҳр тўла кўзларини тикиб, кулиб турарди.

— Ҳамма нарса онага бўлган муҳаббатдан бошланади, — беихтиёр Султон аканинг кўнглига шу сўзлар қуйила бошлади. — Умрингда сен учун энг ардоқли одамни ардоқлашни бир дам унутмай яшамоқдан ортиқ бахт борми?! Турсунойнинг пахтасига, болаларига, меҳнату, эл-юртига бўлган қайноқ меҳри онасига бўлган чексиз ардоғи-ю, муҳаббатидан туғилган, шундан илдиз отган.

Дилбар МАҲМУДОВА.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ОТАЛАР ИШИГА САДОҚАТ

«Оталаримизнинг шоншуҳратини ардоқлаймиз!», «Оталаримизнинг шонли ишларини шараф билан давом эттирамиз!» Акмал Икромов район Фурқат маҳалла аҳлининг Улуғ Ватан уруши иштирокчилари билан бўлган учрашувида ёшлар ана шундай қасамёд қилишди.

СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашувда Қодир Соатов, Абдулла Азаматов, Сиддиқ Салимов, Аъзохон Қамбаров, Қаюм Қосимов, Қодир Ҳўжааҳмедов, Пўлат Мирзаев каби уруш ветеранлари армиямиз босиб ўтган шонли йўли, Улуғ Ватан урушидаги қуд-атини ўзлари иштирок этган жанг эпизодлари орқали ҳикоя қилиб бердилар.

Н. УБАИДУЛЛАЕВА.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР

Касаба союзлари Тошкент область Совети «Улуғ Октябрь ва инсонпт тараққиёти» мавзуида ижтимоий -сиёсий ўқувлар ўтказишга қарор қилди. Ўқувларда КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари, СССР янги Конституциясини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни пойтахт область меҳнаткашлари ўртасида кенг пропаганда қилиш кўзда тутилмоқда. КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумлари, тантанали қўшма мажлис қатнашчилари, ветераллар, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, фан, техника, маданият, санъат арбоблари, меҳнат коллективлари, ўқув юртлари, клублар, маданият уйлари ва саройларида, студентлар ётоқхоналарида лекциялар ўқийдилар.

БАЙРОҚДОР АНСАМБЛЬ

«Водил чашмаси» — Фарғона район ашула ва рақс ансамблининг номи ана шундай. Фарғона область хўжаликлари, га бу ҳаваскорлик коллективи яхши таниш. ёш ижрочиларнинг жарангдор овози дала шийпонларида янграйди, уларнинг жозибали рақслари пахтакорлар, соҳибкорлар, чорвадорларга манзур.

Водиллик ҳаваскор ижрочилар қишлоқ клубларини ўз оталиқларига олиб, уларда ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Халқ ансамбли «Коммунизм» ва Навоий номли колхозларнинг клублари билан шартномалар тузган. Бу ҳам колхоз клублари ишини жонлаштиришга ёрдам бермоқда. Ансамбль қишлоқна маданий оталик қилишдаги муваффақиятлари учун Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Касаба союзлари республика комитетлари техника инспекторларининг семинари бўлиб ўтди. Касаба союзлари Тошкент области Советининг меҳнат бўйича бош техник инспектори С. Холодовский ва темир йўл транспорти ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг бош техник инспектори ўртоқ В. Степановнинг докладлари семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйготди. Улар бош техник инспекторининг иш кунини планлаштириш тажрибасини ёритишга алоҳида эътибор бердилар.

БОЛАЛАР БОҒЧА ВА ЯСЛИЛАРИ ИШИ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Бундан 3-4 йил илгари Жомбой районидаги «Москва» колхозида бирорта ҳам тузукроқ болалар боғча-ясли биноси йўқ эди. Кўклам келиб, дала ишлари бошланди дегунча ёки йиғим-терим кезларидагина бу иш эсга келарди-ю, шошилинч равишда ҳаракатга тушиб қолишарди. Бригадаларда дала шийпони бўлса хўп-хўп (дарров боғчага айлантирилади). йўқ бўлса қийин. Номигагина мавсумий боғчаясли очиларди. Правлениега малакали иқтисодчи Ҳ. Каландаров раис қилиб сайланди-ю, хўжаликда кичинтойларга ғамхўрлик айниқса кучайди. Деярли ҳамма бригадаларда типовой шийпонлар қурилди ва бу шийпонларда мавсумий боғча-яслилар учун алоҳида хоналар ажратилди.

Хўжалик маблағи ҳисобига бригадалараро доимий мактабгача тарбия муассасалари қуришга киришилди. Жумладан, яқинда қуриб битказилган икки қаватли шундай боғча-ясли биноси кичкинтойларни ўз бағрига олди. Марказий посёлка ҳуснига ҳусн қўшиб турган 140 ўринли ана шу тарбия ўчоғи ҳамма қулайликларга эга. Унда озода ва ёруғ, болалар дидига мос хоналар, махсус спорт зали, ёрдамчи бино ва ёзлик айвонлар бор. Врач, тарбиячи ва бошқа ходимлар учун махсус кабинетлар мавжуд.

Райондаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» совхози маъмуриятининг ҳам кичкинтойлар ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқда. 1973 йилда қурилган болалар боғча-яслиси яқинда кенгайтирилди. хоналари қайта жиҳозланди. Стол ва стуллчалар, медицина шкафлари, каравотлар, турли туман ўйинчоқлар сотиб олинди. «Октябрь» колхозининг бош план асосида қад кўтараётган шаҳар типидаги Бешбола посёлкасида эса ўтган йили яна 100 ўринли боғча қуриб битказилди. Посёлкадаги бу ва бошқа доимий мактабгача тарбия муассасалари ғаздаштирилган, водопровод ўтказилган.

Кейинги йилларда райондаги колхозлар, совхоз ва ташкилотларнинг мактабгача тарбия муассасалари тармоқлари анча кенгайди. Янги бинолар қурилиб боғча-яслилар сони қарийб икки баравар ортди. Лекин булар ҳозирги кун талаб ва эҳтиёжига жавоб беришдан анча ийроқ. Шу масала юзасидан белгиланган тадбирлар, лойиҳа ҳужжатлари қоғозда қолиб кетмоқда. Баъзи жойларда қурилиш ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган.

Улуғбек номли пахтачилик совхозида 90 ўринли болалар боғчаси қурилиши 1970 йили бошланган эди. Унинг ёнида қад кўтарадиган ошхонанинг ҳам лойиҳаси тузилган. Ҳар иккала объект қурилишига совхоз ҳисобидан 391 минг сўм маблағ ажратилган эди. Совхоз маъмуриятининг бепарволиги ва область совхозлар трестига қарашли Боғизагон қурилиш ремонт бошқармасининг айби билан бу муҳим объект ҳозиргача битказилмади. Орада бир йил (1975 йил) қурилиш-монтаж ишлари бутунлай тўхтаб қолганлигини айтмайсизми?

— Бир куни пудратчимиз — Боғизагон қурилиш-ремонт бошқармасининг бошлиғи С. Исаховнинг билан биргалашиб боғча қурилишини кўздан кечирдик, — деди совхоз прораби Карим Иброҳимов. — Буюртмачи сифатида бундан 2-3 йил олдин бажарилган ишдан қаттиқ ранжидик. Хонага киришимиз биланоқ оёқлар... полга ботиб кетди. Буни қарангки, усталар пол остида ҳаво кирадиган жой қолдиришмаган. Натижада тахта чириб кетибди.

Икки гектар майдонни ишғол қилган боғча қурилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар қаровсиз қолиб, бир қисми талон-торож қилиб юборилган. Эшикдераза ромлари синиқ, ҳовли юзи ҳаддан ташқари ифлос. Қурилишдан сал нариданги болалар боғчасига бордик.

— Илгари боғчамиз мавсумий эди. — деди мудира О. Зоҳидова. — Мана икки йилдирки, доимийга айлантирилди. Қурилаётган бино битса, ўша ерга кўчасизлар деб айтишган эди. Лекин ҳали-бери битадиганга ўхшамайди. Мана шу тор бинода бир амаллаяпмиз.

— Боғчага қанча бола тортилган?

— 35-40 та чиқар.

— Аниги қанча?

— ...

Мудира билан суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, аслида боғчада 40 нафар бола тарбиланиши керак. Бу ерга қатнаётганлар эса амалда 20 тадан ошмайди.

Совхознинг биринчи бўлимидаги боғчада 40 бола учун 26 та каравотча қўйилган. Совхознинг 2- ва 3-бўлимларида ҳам боғча-ясли бинолари қурилиши жуда сust. Ҳолбуки, хўжаликнинг даромади катта, қурилиш сўмаётларига, шу жумладан, болалар боғча-яслидаги қурилишига етарлича маблағ ажратмоқда.

Жомбой районида 7 та колхоз ва 4 та совхоз бор. Уларда 20 жойда доимий мактабгача тарбия муассасалари ишлаб турибди. Бироқ, бу боғча-яслиларнинг учдан бир қисмигина типовой бинога жойлашган. Бу жиҳатдан айниқса «Жомбой», Улуғбек номли. А. Қурбонов номли совхозларда, «Правда», «Коммунизм», «Партия XXII съезди» колхозларида аҳвол ёмон. Ирик пахтакор хўжалик ҳисобланган А. Қурбонов номли совхоздаги 5 та боғча-яслидан иккаси биттаси ҳам типовой бинога эга эмас.

«Коммунизм» колхозида 1976 йили 95 ўринли боғча қуриш кўзда тутилган ва шу мақсадда 135 минг сўм ажратилган эди. Ўша йили колхоз правленеси бино қуриладиган жойни белгилаб бермади. Маблағ ажратилганига мана икки йилдан ошди. Лекин жой масаласи ҳамон муаммолигича қолмоқда. «Правда» колхозида ҳам яна бир боғча қуриш учун пул ажратилган ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлишига қарамай қурилишга киришилгани йўқ.

Боғча-яслиларни пала-партиш қуриб, фойдаланишга топшириш ҳоллари ҳам рўй беряпти. Бундай бинолларда ситиш батареялари тузук ишламайди. Ёғингарчилик кунлари чакка ўтиб безор қилади. Бундай фактлар халқ депутатлари район Советининг йиғилиш ва сессияларида бир неча марта таъкидлаб ўтилганига қарамай, йўл қўйилган нуқсонларни тузатишга етарлича эътибор берилмаётир. Ҳолбуки, ёш авлод ҳақидаги ғамхўрлик партия, совет ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Ўйлаймизки. Жомбой районидаги боғча-ясли қурилиши ва улардаги иш учун мутасадди бўлган кишилар аҳволни тезда тузатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрадилар.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭКОНОМИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЎҚИМАЧИЛАРГА — АЪЛО СИФАТЛИ ТОЛА

Москва районидаги пахта тозалаш заводида чиқарилаётган толанинг 100 процента ГОСТ талабларига мос келади. Корхонани техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш пахта тозалаш саноати ходимларига ана шу маррага эришишда қўл келди. Корхонанинг цехларига юқори унумли қуритиш барабанлари, ҳор-хасни тозалайдиган асбоблар, тола тозалагичлар ўрнатилди, жин ва линтер машиналари модернизация қилинди. Бу ерда арғаваларни ремонт қиладиган махсус цех барпо этилди.

Корхона рационализаторлари тола сифатини яхшилаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмоқдалар. Масалан, оператор Салимжон Қаюмов хом ашёни пневматик транспортерларга беришдан олдин уни тозалашни таклиф этди. Слесарь комил Курбонов сепараторларнинг куракчаси конструкциясини ўзгартириб, чигитнинг технология жараёнида эзилиб кетишининг олдини олди. Бу ҳар иккала янгилик толанинг ифлосланишини камайтирди.

Корхона коллективи бу йил мамлакат тўқимачиларига топшириққа қўшимча равишда 300 тонна аъло сифатли тола юборишга аҳд қилди.

Шогирд муваффақияти

Тошкент грампластинка заводи ремонт-инструментал цехининг токари Воҳид Зоиров ўзининг мусобақадошидан ровна-роса бир ой олдинлаб кетди. У корхонанинг энг яхши ва кекса ишчиси, ўзининг биринчи устози ва мураббийси Саидазим Эшонхўжаев билан мусобақадош.

Саидазим ака ёш ишчига ҳар бир минутдан самарали фойдаланишни ўргатиб, ўз касб-корининг кўпгина ксирларини эгаллашда унга кўмаклашди. Меҳнатни аниқ ва пухта ўйлаб ташкил этиш натижасида В. Зоиров смена топшириқларини ҳар куни 190-200 процент қилиб бажармоқда.

Ўнлар ташаббусига қўшилган Воҳид Зоиров ўз устози сингари бир беш йилликда икки беш йиллик нормани бажаришга аҳд қилди. Ҳозир ҳар икки ишчи 1980 йил остонасига қадам қўйиб, СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигининг кунига қадар шахсий беш йиллики бажариш мажбуриятини олди.

Тошкент грампластинка заводининг қарийб эллик пресс-чиси ва токари москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тарихий сенани уч-тўрт йиллик планларини бажариш билан нишонлаш мажбуриятини олди. Уларнинг зарбдор меҳнати бутун коллектив эришган муваффақиятнинг негизи бўлди: Харидорларга йил бошидан буён планга қўшимча равишда 144 мингта пластинка жўнатилди.

(ЎзТАГ).

МУҚАДДАС ШИОРГА ҲАМНАФАСЛИК

Тошкент кинофестивали ҳаётимизда муҳим роль ўйнамоқда. Зеро, худди шу анжуман кунлари илғор ғояларни экран воситасида кенг тарқатиш учун хизмат қилаётган санъаткорлар билан учрашиш, суҳбатда бўлиш, улар яратган фильмларни ёнма-ён кўриб кўриш, фикр алмашиш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Кинофорумнинг гуманистик шиори, учрашув кунлари Тошкентда ҳукм сурадиган дўстлик, ҳамкорлик руҳи, шаҳримиз меҳнаткашларининг самимияти, меҳмондўстлиги ва, ниҳоят, кинофестиваль ташкилий комитети ва маъмурияти томонидан кўрилган пухта тайёргарлик туфайли хорижий кинематографчилар келтирган асарларни кўриш, синчиклаб ўрганиш учун турли мамлакатлар ижодкорлари билан суҳбатлашиш, дўстона баҳсларда қатнашиш учун шароит вужудга келади. Бу ҳақда мен каби бошқа ўзбек киночилари ҳам фахр билан гапиришади.

Кинофестивалими з н и н г жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори, нуфузи тобора ошиб бораётганлиги барчамизни ҳурсанд қилади. Унинг муқаддас шиорига ҳамнафас фильмлар эндиликда ҳамма мамлакатлар кинематографиясида бор. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтаман. Тўртинчи кинофестиваль расмий программасида намойиш этилган «Маруся қишлоғи ҳикояти» номли фильми менда ҳам зўр таассурот қолдирди. Асарни прогрессив Чили кинорежиссёри Мигель Литтин раҳбарлигидаги группа экранлаштирган. Тошкент кинофорумининг шиорига ушбу гуманистик руҳига тўла-тўкис жавоб берадиган бу асар ўз мазмуни билан ҳам, яратилиш тарихи билан ҳам барчанинг эътиборини тортди. Чилининг Маруся деб аталадиган қишлоғида рўй берган драматик воқеалар, фожиа эканлиги тилга олинган. — Мен Мигель Литтиннинг талантли кинорежиссёр сифатида тан олганим учун, Чили фожиаси Мексикани ҳам, Италияни ҳам ҳаяжонга солишига ишонганим учун фильмда қатнашишга розилик бердим, — деган эди у. — Бундай асар Чили ватанпарварлари курашида муҳим роль ўйнашига ишонаман. Чунки, у бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлайди. Экранда кўрсатилган воқеалар Санта Мария де Икике қишлоғи шахтёрлари ҳаётидан олинган.

«Маруся қишлоғи ҳикояти» фильмини 1976 йилда, IV кинофестивалда кўрган эдим. Ишонамизки, V халқаро кинофорум кунлари ҳам ана шундай ҳаётий, илғор ғояларни тарғиб этувчи киноленталарни кўрамиз.

Дилором ҚАМБАРОВА,
киноактриса.

Энди икки оғиз фильм яратилиши тарихи ҳақида. Чилида Сальвадор Альенде-нинг қонуний ҳукумати реакция томонидан қулатилиши ва фашист хунтасининг антигуманистик сиёсати туфайли Мигель Литтин каби илғор санъаткорлар ўз Ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. М. Литтин курашни давом эттирди. У Мексикада яшаб ва ишлаб, Тошкент кинофестивали учун ҳаяжонли асар яратди. Фильм яратилишида чилилик кинорежиссёрга илғор ижодий кучлар ёрдам берди. Бош қаҳрамон роли Италия Коммунистик партиясининг аъзоси, бир қатор сиёсий фильмларда ҳаётий образлар яратган Жан Мария Волонте ўйнаган.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АКАДЕМИЯСИНИНГ (ВАСХНИЛ) УРТА ОСИЁ БЎЛИМИ 1978 ЙИЛ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

чорва молларини урчитиш ва селекция, хусусий зоотехния, ўсимликшунослик, чорва молларини озиқлантириш — ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (702145, Тошкент области, Оржоникидзе райони, «Красный водопад» алоқа бўлими);

паразитология, ветеринар микробиология, вирусология — МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (704453, Самарқанд области, Тойлоқ қишлоғи);

хусусий зоотехния, мевачилик (тутчилик) — ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (702044, Тошкент области, Калинин райони, «Жарариқ» алоқа бўлими);

месачилик, узумчилик, қишлоқ хўжалиги машиналари, фитопатология ва ўсимликларни ҳимоя қилиш — АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (700000, Тошкент шаҳри, Главпочтамт ёки Тошкент области, Оржоникидзе райони, Гулистон қишлоқ совети);

селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик, умумий деҳқончилик — ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (704620, Жиззах области, Ғаллаорол райони, «Ғаллаорол» алоқа бўлими);

сабзавотчилик, селекция ва уруғчилик — ЎЗБЕКИСТОН САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (702015, Тошкент области, Калинин райони, «Қозоқкенсой» алоқа бўлими);

селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик, агрохимия, умумий деҳқончилик — ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (702310, Тошкент области, Ўрта Чирчиқ райони, «Авангард» алоқа бўлими);

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш, қишлоқ хўжалиги машина ва ускуналаридан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш — МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (702841, Тошкент области, Янгийўл шаҳри, «Қирда» алоқа бўлими);

халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш ва экономика — ЎРТА ОСИЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЯТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (700097, Тошкент, шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 28).

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА ЕШИ 35 ДАН, СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА ЭСА 45 ДАН ОШМАГАН, ТУГАЛЛАНГАН ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ, ТАНЛАГАН ИХТИСОСИ БЎЙИЧА ИККИ ЙИЛЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШ ТАЖРИБАСИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИГА ҚОБИЛИЯТИНИ КЎРСАТГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

АСПИРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ ҲАЖМИДА МАХСУС ФАНДАН, КПСС ТАРИХИ, ЧЕТ ТИЛЛАРИДАН БИРИ ВА РУС ТИЛИДАН (олий ўқув юртларини ўз она тилида битирган шахслар учун) КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР.

Кириш вақтида илмий-тадқиқот институти раҳбари номига аспирантурага қабул этишни сўраб ёзилган ариза; олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги дипломнинг нотариусда тасдиқланган нусхаси; меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш жойида тасдиқланган бўлиши керак); саломатлиги тўғрисида справка (286-форма); эълон қилинган илмий иш ва илмий-техник ҳисоботлар рўйхати, қилинган ихтиролар, тажриба-конструкторлик ишларига оид маълумотлар ва улар қандай баҳоланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

Илмий иш эълон қилмаган шахслар ихтисос бўйича ишлаган мавзуда докладлар (рефератлар) **тақдим этадилар.**

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРИШГА ҚУЙИЛГАН ШАХСЛАРГА ИШ ЖОЙИДА МАОШИ САҚЛАНГАН ҲОЛДА ТАЙЕРГАРЛИК КЎРИШ ВА ИМТИҲОН ТОПШИРИШ УЧУН 30 КАЛЕНДАРЬ КУН МИҚДОРИДА ОТПУСКА БЕРИЛАДИ.

Отпускадан ташқари илмий-тадқиқот муассасалари жойлашган ергача бориш ва қайтиш учун пул тўламаслик шарти билан қўшимча вақт берилади.

ҲУЖЖАТЛАР — 1 МАРТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аспирантурага киришга оид масалалар юзасидан қўшимча маълумотларни тегишли илмий-тадқиқот институтлари ҳамда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг аспирантура кадрлари бўлимидан олиш мумкин. Бўлим адреси: Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5-уй, иккинчи қават, 1-хона. Телефонлар: 39-49-92, 39-48-63.

ШАҲАР БИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

ЮТУҚЛАР КЎЎГУСИ

Ҳар қандай шаҳар билан танишув одатда тарихий обида ва маданий ёдгорликлар, музей, театр ҳамда диққатга сазовор бошқа жойлардан бошланади. Аммо, серқуёш «оқ олтин» ўлкаси ва унинг пойтахти — шаҳри азим Тошкент билан танишув эса Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидан бошланиши аллақачон анъана бўлиб қолган.

Янги Совет Конституцияси қабул қилинган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қутлуғ 60 йиллик юбилейи кенг нишонланган 1977 йил кўргазмамиз коллективи учун ҳам унутилмас йил бўлди. Республикамизнинг кўп тармоқли халқ хўжалигида эришган ютуқларини стенд, макет, витрина, фотокўргазма ва бошқа воситалар билан тўла акс эттириш устида тинмай изланиш олиб борилмоқда. Кўргазмамизни бултур тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, тошкентликлар, турист ва меҳмонлардан 225 мингдан ортиқ киши келиб кўрди. Бу 1976 йилга нисбатан қариб 20 минг кўп демак. Асосий иш планига мувофиқ 22 та тематик кўргазма уюштирилди. Муайян тармоқни тўла акс эттирувчи бундай кўргазмаларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари илғор тажриба мактабларида семинарлар ўтказиш каби ютуқларни пропаганда қилишнинг ранг-баранг формаларидан кенг фойдаланилди. Ишлаб чиқариш илғорлари, муайян тармоқ мутахассислари ўзаро тажриба алмашинишининг таъсирчан усулига айланиб қолган илғор тажриба мактабларидан 18 таси иш олиб борганлигини айтиш кифоя.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейига бағишлаб Ватанимиз пойтахти Москвада махсус кўргазма намойиш этганимиз айниқса унутилмас ва ҳаяжонли бўлди. Ўша кезлари Ўзбекистон павильонини бир миллиондан ортиқ киши келиб кўрди.

Бу йилги режалар катта. Якинда бош павильонда махсус харита-стенд очилди. Унда Ўзбекистон ССРнинг жаҳондаги 70 дан ортиқ мамлакат билан иқтисодий ва маданий алоқаси дид билан, техник воситалар орқали акс эттирилган. Рангли чирокчалар ёрдамида қайси мамлакатга қандай маҳсулот чиқарилишини ҳам билиб олиш қийин эмас.

Бош павильон ва тармоқ павильонларида ўнинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган мажбуриятлар аниқ кўрсатиб берилган. СССР Конституциясининг моддалари ва бандлари бўйича кўргазмалар ташкил этилмоқда. Шулардан бири «Советлар мамлакатида меҳнат — шон-шараф иши» стенди бўлиб, у томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Республикамизнинг иқлими, табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан томошабинларни яхшироқ таништириш мақсадида махсус «Ўзбекистон табиати» диорама очилди. Унда яйлов ва саксовулзорлар, тоғ этаклари, ўрмон ва боғлар ўз аксини топган, турли хил ҳайвон ва паррандалар қўйилган.

Бир қанча бўлимлар, жумладан қоракўлчилик бўлими бутунлай қайтадан тайёрланди.

Бу йил ҳам одатдагидек кўплаб тематик кўргазма, кўрик, семинар ҳамда илғор тажриба мактаблари ўтказиш мўлжалланган. Шулардан бири «Ўзбекистонда социал таъминотнинг ривожланиши» бўлиб, биринчи марта бу мавзу кўргазмада ўз аксини топди. Айни чоғда халқаро ва тармоклараро тематик кўргазмаларга ҳам тайёргарликни кучайтириб юбордик. Тошкентда халқаро симпозиум ўтказилиши муносабати билан «Полимер материаллар ва уларнинг халқ хўжалигида қўлланилиши» мавзуида катта кўргазма очилади.

Ишимизнинг муҳим кўрсаткичларидан бири кўчма кўргазма ташкил этиш бўлиб, бундай кўргазмалар қардош республикаларда намойиш этилади. Бу йил Қирғизистон ССР пойтахти Фрунзе шаҳрида шундай кўргазма ташкил этилади. «Ўзбекистон ўнинчи беш йиллик вахтасида» деган кўчма кўргазма эса Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё областларида намойиш этилади.

Маълумки, «Ғалаба» ўрмонбоғи ҳам кўргазмамиз ихтиёрига ўтказилган. Натижада халқ хўжалиги ютуқларини пропаганда қилишнинг янги-янги формаларини қўлланиш учун имконият кенгайди. 23-24 февраль кунлари биринчи марта «Машиий хизмат кўрсатиш байрами» ўтказилади. Бунда сартарошлар, пойафзалчилар, бичиқчилар шу ерда хизмат кўрсатиб, ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Яна бир шундай байрам граждан авиацияси кунига бағишлаб август ойида ўтказилади.

Боғни ободлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 300 минг сўм капитал маблағ ажратилди. Территорияни махсус тематика бўйича жиҳозлашга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, болалар хиёбони, деб аталган гўшага барча болалар аттракционлари ва ўйин майдончалари кўчирилди. Бундан ташқари «Меҳнатга шон-шараф» хиёбони ташкил этилиб, у ерга меҳнат қаҳрамонларининг, илғор ишчи ва колхозчиларнинг суратлари қўйилади. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари суратлари эса қаҳрамонлар хиёбонидан жой олади.

Кўргазма Совети томонидан тасдиқланган 1978 йилда амалга ошириладиган ишларнинг тематик планида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларидаги ютуқларни тўла ва атрофлича пропаганда қилишнинг хилма-хил йўллари ва тадбирлари белгиланган. Қўшимча павильонлар бунёд этиш, мавжуд павильонларни эса реконструкция қилиш ва бошқа ишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Министрлик ва идоралар кўргазмага яқиндан ёрдам бермоқдалар. Зеро бизда ютуқлардан ташқари муайян корхона ва муассасадаги ҳар бир янгилик пропаганда қилиниши билан бир қаторда рағбатлантириб борилади. Шу зайл ўнинчи беш йилликнинг улуғвор планларини амалга ошираётган меҳнаткашларга мададкор бўлишдек олижаноб ишга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Қ. ҒУЛОМОВА,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг директори.

СПОРТ

ОҒИР АТЛЕТИКА:

Ғолиблик супасида

Украина пойтахтида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни арафасида ҳар йили анъанавий равишда армиячи-спортчилар ўртасида ўтказилувчи Бутуниттифоқ чемпионати мусобақалари бўлди. Мусобақада вазнга кўра ғолиблик супасига тошкентлик Н. Иброҳимов ҳам кўтарилди. У даст кўтаришда 140, силтаб кўтаришда 180 килограммлик натижа кўрсатди.

КУРАШ:

Олтин ва кумуш

Элиста шаҳрида классик кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган СССР биринчилиги баҳслари ниҳоясига етди. Беллашувда вакилларимиз яхши натижаларга эришдилар. Жумладан, ўзбекистонлик курашчиларнинг 74 килограмм вазнли Александр Барановнинг қўли баланд келиб, кўксига олтин медаль тақди. 48 килограмм вазнли Шомил Фаткулин эса ҳал қилувчи курашда имкониятни бой бериб, мусобақанинг кумуш медали совриндори бўлди.

Футбол:

Совриндорлик кураши

Ўзбекистон кубоги учун иккинчи тур учрашувлари ўтказилди. Унда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Бўстон» (Жиззах) — «Янгиер» — 2:1, «Шахриханец» — «Старт» (Тошкент) — 3:0, «Текстильщик» (Наманган) — «Нефтчи» (Фарғона) — 1:1, «Хоразм» — «Автомобилист» (Термиз) — 0:0, «Каршистрой» — «Зарафшон» (Навоий) — 0:2, «Хива» — «Динамо» (Самарқанд) — 2:2. Ҳозирча «Бўстон», «Шахриханец» ва «Зарафшон» командалари 4 тадан очко билан олдинда бориляпти.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

⊙ ШАХМАТ. Чемпионликка даъвогар В. Корчной билан жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ўртасидаги учрашувни ўтказиш учун 7 шаҳар ўз номзодини кўрсатди. Халқаро шахмат федерациясининг раиси М. Эйве Багио (Филиппин), Гамбург (ГФР), Грац (Австрия), Чонко (Италия), Люцерн (Швейцария), Париж (Франция) ва Тилбург (Голландия) шаҳарларини тилга олди. Учрашувнинг қайси шаҳарда ўтиши 16 мартга қадар аниқланадиган бўлди.



Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 2-клиника шифохонасининг ошқозон-ичак касалликлари марказий бўлимида республикамизнинг турли районларидан келган беморлар шифо топишмоқда. Бу ерда профессор Улуғбек Акбарович Асқаров, доцент Шокир Зуфарович Зуфаров, ассистент Мухтабар Обидовна Алимуҳамедова сингари кўплаб шифокорлар хизмат қилишмоқда.

— Мен кўп йиллардан буён ошқозон касаллигига дучор бўлиб, даво тополмай келаётган эдим, — дейди Бахмал районидаги 19-мактаб ўқитувчиси Маъруфжон Маҳмудов. — Бу ерга келганимга ҳали бир ҳафта бўлгани йўқ, шифокорларнинг кўрсатган амалий ёрдамлари туфайли оғриқларим қолди.

Мазкур шифохонада даволанаётган беморларнинг ҳаммаси ҳам енгил қўлли врачларга ана шундай миннатдорчилик билдиришмоқда.

Суратда: ассистент М. Алимуҳамедова, профессор У. Асқаров, доцент Ш. Зуфаровлар.

А. Тўраев фотоси.

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЖАНГЛАРДА ТОБЛАНГАН ШИФОКОР

Тарих саҳифасини варақлаймиз. Кўз ўнгимизда жаҳонни ларзага солган Курск ёйи даҳшатли жанглари намоён бўлади. Атоқли ҳарбий саркардалар, мутахассисларнинг фикрича, бу жангда Гитлер Германиясининг бели синди.

Курск ёйида шонли Совет Армияси немис-фашист босқинчиларига қарши эллик кун давомида қонли жанглар олиб борди ва ғалаба қозонди. Жанглар давомида фашистларнинг 30 та сераланган идиш-товоқ ва рўзғор анжомлари, ундан ҳам қадимги даврга мансуб сопол буюмлардан иборат.

Шаҳарнинг аниқ ёшини тадқиқ этиш программасига мувофиқ ўрта асрда қурилган Таниз-Заргарон саздо гумбазининг деворлари ёнида Бухорони археологик тадқиқ этиш тарихида биринчи марта кенг кўламда қазиш ишлари бошлаб юборилди. Тадқиқотчилар биринчи босқичда ерни 15 метр чуқурлиқда қазиб V асрнинг маданий қатламига етдилар. Бу ердан олимлар антик даврга оид деб ҳисоблаётган ҳосилдорлик мабудаси анахита ҳайкалчаси, тангалар, ойна ва сопол буюмлар ҳамда бошқа нарсалар топилди.

Қазилмаларнинг иккинчи босқичи Бухоро ҳаётининг шу даврини муфассал ўрганишга бағишланади. Шу йилнинг ёзида қазиш ишларининг иккинчи босқичи бошлаб юборилади.

(ЎзТАГ).

Тез кундаёқ 6-ҳаво десант корпуси самолётларда ҳаракатдаги немис-фашист қўшинларининг орқасига ташланди.

— Ёшлик ғурури, она-Ватанга бўлган чексиз садоқат оғушида душман билан юзма-юз туриб жанг қилдим, — дейди жангчи-врач Мақсуд Маъруфович, — ҳар қадамда ҳарбий қасамёдга содиқ қолдим. Тиш-тирноғи билан қуролланган маккор душман орқасида бир кўлим билан ўқ узиб, иккинчи қўлим билан яралларни шифолаган кунларим кўп бўлди. Қалбингда ғалаба наъшидаси туғён урса чарчашни ҳам, қўрқинчни ҳам билмас экан киши.

Курск остонасидаги бир жангда автоматдан ўқ узиб, беш фашистни ер тишлатди, 30 дан ортиқ оғир яралларни елкасида кўтариб чиқиб, дала шифохонасига жойлаштирди. Унинг хизмати қўмондонлик томонидан юксак баҳоланди.

Ғоят оғир дамларда мардлик кўрсатган ҳарбий врач 64-алоҳида танк полкига катта врачлик лавозимига тайинланди. Полк танкчилари билан бирга Курск ёйи жангларининг ғиригача қатнашди, минглаб жангчиларнинг ярасига малҳам, дардига даво топиб, ҳаётини сақлаб қолди, айни кезда врачлик малакасини оширди.

Бироқ 1943 йилнинг охирларида дала кўчма госпиталига душман снаряди тушиши оқибатида оғир яраланди. Иродали, тадбиркор врач госпиталда ҳам ўзга яралларни даволаб тезроқ фронтга қайтаришга муносиб ҳисса қўшди. Лекин ўзи фронтга қайта олмади. Қўмондонлик бўйруғи билан мамлакатимизнинг шимол ўлкасидаги ҳарбий госпиталларда хизмат қилди.

Унинг урушдан кейинги йиллардаги тақдири Краснодар ўлкасида аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш билан боғланди. 1956 йилдан бошлаб Сочидаги касалхонада, «Кавказ ривьераси» курорт бошқармасида врачлик қилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари билан Сочи шаҳрининг энг баҳаво, кўркам жойида «Ўзбекистон» санаторийси қурилиб, фойдаланиш учун меҳнаткашлар изига топширилди. Таланти ва ташкилотчи врач Мақсуд Маъруфович Маъруфов ҳозир ана шу санаторийримизда хизмат қилмоқда. Бу ерда республикамиздан, мамлакатимизнинг турли шаҳар ҳамда қишлоқларидан келган беморларни даволаб, меҳнат фронтига қайтаришда жонбозлик кўрсатмоқда.

— Мақсуд Маъруфовичнинг хизматидан ҳамма мамнун, — дейди санаторий бош врачи Г. З. Отабоев, — у вақт билан ҳисоблашмайди, зарур бўлса кунларни тунларга улаб, беморлар хизматида бўлади. Оташқалб врачимиздан ибрат олган Л. Напрасная, Г. Терешченко, С. Гончарова, Э. Акчурина каби шифокорларимиз ҳам меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда ибратли ишлар қилмоқдалар.

М. НАЗАРОВ.

ЎТМИШ САДОЛАРИ

ШАҲРИСТОН ҲИКОЯ ҚИЛАДИ...

Узбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг олимлари Бухоро марказидаги кўҳна Шаҳристон ўрнида қазиш ишларининг биринчи босқичини тугалладилар. Уларнинг «ўлжалари» X асрга мансуб бўлган нафис қадаҳ, ажойиб нақш билан безалган идиш-товоқ ва рўзғор анжомлари, ундан ҳам қадимги даврга мансуб сопол буюмлардан иборат.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

23 февраль, 1, 3 март соат 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

З. ВАСИЛЬЕВ асари Ҳ. ШАРИПОВ таржимаси

«РЎЙХАТЛАРДА ЙЎҚ...»

М. ЗАХАРОВ ва Ю. ВИЗБОР инсценировкаси.

Саҳнага қўювчи режиссёр — Б. ЮЛДОШЕВ.

Рассом — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР давлат мукофотининг лауреати Г. БРИМ.

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Асл йигитлар». 10.40 — «Одерда баҳор». Бадиий фильм. 12.15 — «Киносаёҳатчилар клуби». 16.10 — Ҳужжатли фильмлар. 17.15 — «Сиз яратган боғ». 17.45 — Шеърий композиция. 18.10 — «Горчичлар, қаердасиз?» 18.40 — «Санъат — солдатга». Музикали фильм. 19.20 — Спортлото. 19.30 — Концерт. 19.55 — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффусда — «Вақт».

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физика. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Физика. 13.00 — Фильм-концерт. 17.00 — Фильм-концерт. 17.30 — «Ёш армиячилар мусобақаси». 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Совет Армиясининг 60 йиллигига. 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Москва. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффусда — «Вақт».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Адабиёт. 19.30 — Транспорт ва йўловчи. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Математика. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.40 — Физика.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Э. Охунова шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 11.15 — Илмий коммунизмнинг биринчи программ ҳужжати. 11.30 — «Скрипка» (музикали ҳикоя). 12.00 — «Ўзбекистан индустриальный». 13.00 — Чорвадорларнинг меҳнат вахтаси. 13.30 — Концерт. 14.00 — Мусобақа илғорларига тенглашинг. 16.10 — «Музикали ҳаёт янгиликлари». 18.30 — «Узбекистан спортивный». 19.00 — Талабларингизни бажо келтирамиз (концерт). 19.25 — «Дўстлик тўқинларида». 19.55 — Москва. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти.

НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: КПСС тарихи (фан доктори), инглиз тили, немис тили, рус тилшунослиги, спорт фанлари (доцентлар, фан кандидатлари).

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 2 ОЙ.

Конкурсдан ўтганлар бир йил давомида турар жой билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Наманган шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 63-уй.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-28, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қаш қадарё — 38-42, Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Справка олиш учун — 33-02-92.

Р. 03215. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 44.